**XALQ DEPUTATLARI ANDIJON TUMANI KENGASHINING**

**Q A R O R I**

2024-yil 22-aprel VI-43-29-1-16-K/24 Andijon tumani

**Халқ депутатлари Андижон туман Кенгашининг “Саховат ва кўмак” жамғармасига тушган маблағларини сарфлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги “Маҳалла” фонди республика бошқаруви, фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман ва шаҳар бўлинмалари ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги 213-ф-сонли фармойиши қабул қилиниб, Жамғарма маблағларини сарфлаш, тасарруф этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) кенгашларининг қарорлари асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини максадли ва манзилли сарфлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 213-ф-сонли Фармойишини бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” Қонунининг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Вилоят ҳокими топшириғига асосан ҳудудда хонадонларни хатлов қилиш жараёнида Ҳақиқат маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ботиров Хасанбой хонадонига кириб ўрганилган вақтда ҳақиқатан моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, қармоғида 2 нафар 1-гуруҳ ногирон фарзандлари борлигини инобатга олган ҳолда қилган мурожаати бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамидан Ботиров Хасанбойга 12 000 000 (ўн икки миллион) сўм маблағ ва турмуш ўртоғи Ботирова Олмахонга 12 000 000 (ўн икки миллион) сўм маблағ фуқаро номига очилган пластик картасига ўтказиб берилганлиги ва маблағлар мақсадли сарфланганлиги тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокими топшириғига асосан ҳудудда хонадонларни хатлов қилиш жараёнида Ҳақиқат маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Вахобов Бахтиёр хонадонига кириб ўрганилган вақтда хақиқатан моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, ўзи 1-гуруҳ ва аёли 2-гуруҳ ногирони эканлигини инобатга олган ҳолда қилган мурожаати бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман

бўлинмаси “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамидан Вахобов Бахтиёрга 8 000 000 (саккиз миллион) сўм маблағ ва турмуш ўртоғи Вахобова Замирахонга 8 000 000 (саккиз миллион) сўм маблағ фуқаро номига очилган пластик картасига ўтказиб берилганлиги ва маблағлар мақсадли сарфланганлиги тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокими топшириғига асосан ҳудудда хонадонларни хатлов қилиш жараёнида Ҳақиқат маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ғаниева Матлуба хонадонига кириб ўрганилган вақтда хақиқатан моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб қилган мурожаати бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамидан 4 300 000 (тўрт миллион уч юз минг) сўм маблағ фуқаро номига очилган пластик картасига ўтказиб берилганлиги ва маблағлар мақсадлик сарфланганлиги тасдиқлансин.

4. Чем маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Нурматов Алишер туман ҳокимининг сайёр қабулида операция қилдириш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамидан 9 000 000 (тўққиз миллион) сўм маблағ фуқаро номига очилган пластик картасига ўтказиб берилганлиги ва маблағлар мақсадлик сарфланганлиги тасдиқлансин.

5. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Андижон туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Sessiya raisi

QOSIMOV NURBEK
RAXIMJON O‘G‘LI